

## Аллоҳ икки кишини мен туфайли икром қилди



08:00 / 25.09.2020 2249

Тулайҳа ибн Хувайлиднинг пайғамбарликни даъво қилгани ва шу сабабли урушлар юзага келгани ҳақида Мусо ибн Муҳаммад Иброҳим Тамимийнинг отаси шундай ҳикоя қилади: «Тулайҳа ёнидаги одамлар ўлдирилиб, асирга олинаётганини кўргач, отини эгарлаб, оиласини қочириб юборишга тайёрлади. Отига миниб, аёлини олиб, қочиб кетди, одамларига эса: «Ким менга ўхшаб қоча олса, қочсин!» деди. У Шомга етиб боргунча отини чоптириб борди. У ерда Ғассонийларнинг Бану Жафна қабиласида яшади. Кейин Аллоҳ у ерларнинг ҳам фатҳ бўлишини насиб этди.

Бу орада Абу Бакр розияллоҳу анҳу вафот этдилар. Тулайҳа Умар розияллоҳу анҳунинг даврларида иймон келтириб, Маккага эҳром боғлаб келди. Умар розияллоҳу анҳу уни кўриб, «Эй Тулайҳа, Уккоша ва Собит ибн

Ақрамдек солиҳ зотларни ўлдирганингдан кейин сени ёмон кўриб қолганман», дедилар. «Эй мўминларнинг амири, Аллоҳ мен туфайли уларни икром қилди, лекин мени эса уларнинг қўлида хорламади», деди.

У мусулмон бўлди, унинг мусулмонлигидан ҳеч ким нафратланмади. У узр сўраб, шундай дер эди:

*Собитнинг ўлиmidан кўп надомат чекаман,*

*Ва Уккоша Ғанамий, сўнгра Ибн Маъбад ҳам.*

*У иккиси мен учун улкан мусибат эрур,*

*Исломдан қайтишим ҳам қилинган қасддан.*

*Юртимни тарк қилишим аёл кишининг иши,*

*Ҳайдалиш ва келиш ҳам ҳеч узлуксиз бўлмаган.*

*Қайтсам Абу Бакр Сиддиқ мени қабул қилурми?*

*Менинг қилган гуноҳим жуда ҳам оғир бўлган.*

*Залолатдан кейин мен гувоҳлик бердим яна,*

*У ҳақ шаҳодати, энди динсиз эмасман.*

*Инсонларнинг Илоҳи менинг Парвардигорим,*

*Ислом менинг динимдир, Муҳаммад келтирган.*

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**